



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2018 йил 1 ноябрь, № 226 (7184) Пайшанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингизга орқали сканер қилинг.



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ БЕРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 31 октябрь куни қишлоқ хўжалигини комплекс ривожлантириш, соҳага инновацион технологияларни кенг жорий этиш, маҳсулотлар экспортини ошириш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Кейинги икки йилда қишлоқ хўжалигида туб ислохотлар, таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Соҳада бозор муносабатларини жорий этиш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш бўйича жуда кўп ишлар қилинди. Фермер ва деҳқонларнинг даромадини ошириш мақсадида янгича тизим жорий қилиниб, кўплаб долзарб масалалар ҳал қилиб берилди. Етарли миқдорда маблағ ажратилди.

Йиғилишда қишлоқ хўжалигида инновацион технологиялар, илмий ишланмалар, айниқса, томчилатиб сугориш технологиясини кенг жорий қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Исроил давлатининг бу борадаги тажрибаси кўрсатиб ўтилди. У ерда қишлоқ хўжалиги томчилатиб сугоришга

мослашгани учун бир километр ҳам коллектор дренаж тармоғи ва шўрланган майдонлар йўқ. Мелиорация тадбирларига умуман ҳаражат қилинмайд.

Юртимизда сувни тежаш технологияларини татбиқ этиш бўйича етарли иш олиб борилмаётгани, бунинг оқибатида 140 минг километр узунликдаги коллектор дренажларга катта маблағ сарф бўлаётгани танқид қилинди.

Сувни тежовчи технологияни қўллаш ҳисобига 50 — 60 фоиз сувни иқтисод қилиш мумкин. Биргина кўчма эгилувчан қувурлардан фойдаланиш сувни 10 — 15 фоиз, томчилатиб сугориш эса 35 — 65 фоиз тежаш имконини беради. Лекин, томчилатиб сугориш тизими жуда кам майдонларда жорий этилган ҳолос, деди Шавкат Мирзиёев.

Шундан келиб чиқиб, 2019 — 2021 йилларда пахта-тўқимачилик кластерлари ва фермерлар пахта майдонида томчилатиб сугориш технологиясини жорий қилиш кўламини кенгайтириш зарурлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги комплексидagi энг асосий масалалардан бири экспортбop мевасабзавот етиштириш ва уни экспорт қилишдир. Аммо Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, "Ўзбекизоқвотхолдинг" компанияси ҳудудлар раҳбарлари билан тизимли иш олиб бормагани оқибатида экспорт прогнозини тўлиқ таъминлай олмаслик хавфи мавжудлиги қайд этилди.

Шу боис ҳар бир ҳудуд билан экспорт бўйича икки ойлик режани кунма-кун белгилаб, тизимли бажариш вазифаси қўйилди. Шу билан бир-

га, келгуси йил экспорти учун сабзавот экинларини экиш бўйича топшириқлар берилди.

Ўзбекистоннинг иқлим шароити эртапешар маҳсулотлар етиштириш имконини беради. Баҳор ойларида хорижий мамлакатларда уларга талаб ортади. Лекин бу имкониятдан унумли фойдаланилмапти.

Йиғилишда тегишли вазирлик ва ташкилотларга Россия, Хитой, Жанубий Корея, Хиндистон, Япония ва бошқа давлатлар бозорига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кўпайтириш бўйича кўрсатма берилди.

Яна бир бор айтаман, экспорт давлатимиз сийсатининг энг муҳим, устувор йўналишларидан биридир. Шунинг учун ҳар бир вазирлик ва идора экспортни ривожлантириши керак, дея таъкидлади Президентимиз.

Йиғилишда янги ташкил этилган уюшмалар фаолиятига ҳам эътибор қаратилди. Улар ўз йўналишлари бўйича янгиликка интилмаётгани, соҳадаги ўрни сезилмаётгани танқид қилинди.

Қишлоқ хўжалиги тармоқларига инвестицияларни, айниқса, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш зарурлиги таъкидланди.

Ерни ҳақиқий эгасига бериш, ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, уруғчиликни ривожлантириш, минерал ўғитлар етказиб бериш тизимини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалиги техника паркни янгилаш, маҳсулотларни қайта ишлаш соҳасини ривожлантириш ва бошқа йўналишларда долзарб вазифалар белгилаб берилди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚОЗОҒИСТОН ПРЕЗИДЕНТЛАРИ БИР-БИРЛАРИНИ ҚУТЛАДИЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев 31 октябрь куни икки томонлама муносабатлар тарихидаги муҳим сана — Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасида Абдий дўстлик тўғрисидаги шартнома имзоланганининг 20 йиллиги муносабати билан бир-бирига табрик йўллади.

Давлатимиз раҳбари ўз мактубида қардош Қозоғистон халқини самимий табриклар, ушбу муҳим ҳужжат умумий тарих, маънавий ва маданий муштараклик билан боғланган мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги кўп асрлик дўстлик, қардошлик ва яхши кўшнчилик ришталарини мустаҳкамлаб берганини таъкидлади.

Мактубда Стратегик шериклик тўғрисидаги шартнома ҳамда Стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва аҳил кўшнчиликни мустаҳкамлаш тўғрисида қўшма декларациянинг имзоланиши ўзаро ҳамкорликни изчил ривожлантиришда янги босқич бўлгани қайд этилган.

Жорий йилда Қозоғистонда Ўзбекистон йили доирасида ўтказилаётган маданий-гуманитар ва ишбилармонлик тадбирлари халқларимиз яқинлигининг ёрқин ифодаси бўлмоқда.

Мамлакатларимиз Марказий Осиёда ишонч, очкилик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш муҳитини мустаҳкамлаш, тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлашда қатъий экани мамнуният билан қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Президентлари ушбу муҳим сана муносабати билан халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев ўз мактубида Абдий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг 20 йиллиги муносабати би-

лан самимий қутлаб, энг эзгу тилақларини билдирди.

Шартнома икки томонлама муносабатларда замонавий йўналишларни белгилаб, уларни ривожлантиришга, халқаро даражадаги ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшгани, Қозоғистон ва Ўзбекистон ўртасидаги ишонч ва дўстликка асосланган чинакам стратегик шериклик учун пойдевор бўлгани алоҳида таъкидланган.

Бугунги кунда мамлакатларимиз барҳаёт қадриятлар ва чексиз салоҳиятга таянган ҳолда икки томонлама ҳамкорликни янги даражага олиб чиққани ҳамда минтақада ҳар томонлама шерикликни бирлаштириш учун мустаҳкам асос шакллантиришни давом эттиришга қатъий эътибор қаратилган.

Мамлакатларимиз ҳамкорлигига алоҳида суръат бахш этаётган биргаликдаги фаолиятимиз ва дўстликнинг халқларимиз фаровонлиги йўлида изчил давом эттирилишига қатъий ишонч билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси Президентлари ушбу муҳим сана муносабати билан халқларимизга тинчлик, фаровонлик ва равақ тиладилар.

Ў.А.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ — ЧЕГАРА БИЛМАС ҲАМКОРЛИК

Тошкентда 31 октябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси томонидан «Терроризмга қарши кураш — чегара билмас ҳамкорлик» мавзусида олтинчи халқаро илмий-амалий конференция ташкил қилинди.

Унда ШХТга аъзо, кузатувчи ҳамда мулоқот бўйича шерик мамлакатлар делегациялари, халқаро ташкилотлар, илмий-тадқиқот марказлари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда ШХТ Бош қотиби Р. Алимов, БМТ Бош қотиби уринбосари, Терроризмга қарши кураш бoшқармаси раҳбари В. Воронков, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги уринбосари Д. Аҳатов, ЕХТнинг Терроризмга қарши кураш бўлини маси раҳбари А. Аваков, Халқаро Қизил Хоч қўмитаси вице-президенти К. Карбонье қатнашди.

Таъкидланганидек, дунёнинг турли минтақаларида

халқаро террорчилик ташкилотлари ҳаракати кўчайиб бораётган бир пайтда ШХТ мақомида терроризмга қарши курашиш борасидаги саъй-ҳаракатларни янада кўчайтириш зарур. Минтақада тинчликни мустаҳкамлаш, терроризм, сепаратизм, экстремизм хавфининг олдини олиш, ёшларнинг ёт гоилар таъсирига тушишига йўл қўймастик каби мақсадларга эришишда ШХТга аъзо давлатларнинг Минтақавий аксилтеррор тузилмаси доирасидаги фаолияти муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу конференция эса бу борадаги қарашларни умумлаштириш, ўзаро фикр алмашишда қўлай мулоқот майдони бўлиб хизмат қилмоқда.



Манфред ГРУНД: «ЎЗБЕКИСТОН «ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТ СТИПЕНДИЯСИ» ДАСТУРИГА КИРИТИЛДИ»

Кеча Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатасида Бундестагнинг "Германия Федератив Республикаси — Марказий Осиё" парламент гуруҳи раиси Манфред Грунд билан учрашув бўлиб ўтди. Музокаралар чоғида Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги парламентлараро муносабатларни кенгайтириш истиқболлари юзасидан атрофлича фикр алмашилди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Меҳмон юртимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва янгилашлар жараёнини юксак баҳолаб, ҳар икки томоннинг бир-бирини тушуниши ва манфаатдорлиги Ўзбекистон ҳамда Германия сиёсий муносабатлари асосини ташкил этишини таъкидлади.

Парламент гуруҳи раиси давлатларимиз ўртасидаги алоқалар истиқболи хусусида муҳбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Президент Шавкат Мирзиёев бошчилигида олиб борилаётган Ўзбекистоннинг прагматик ташқи сиёсатини биз жуда катта иштиёқ билан кузатиб бораёмиз ва қўллаб-қувватлаймиз. Бугунги кунда

Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорлигининг янги даврини бошлаб берди. У нафақат Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, балки Афғонистон билан ҳам фаол ҳамкорлик олиб бормоқда. Айниқса, Тошкентда ташкил этилган нуфузли халқаро анжуман доирасида Марказий Осиё минтақасига доир тинчлик ва хавфсизлик масалаларининг муҳокама қилиниши мамлакатингиз учун жуда катта ютуқ бўлди. Ўзаро ўрнатилган дўстона муносабатлар минтақа давлатларига муаммоларни биргаликда ҳал қилиш ва барча томон учун бирдек манфаатли бўлган энг мақбул ечимларни танлаш имконини бераётгани билан ҳам аҳамиятлидир.



Ў.А.

ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИДА

Ўзбекистон — Руминия: ТАШРИФЛАР МУНТАЗАМ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ


Олий Мажлис Сенатида Руминия Ташқи ишлар вазирлигининг давлат қотиби Д. Некулеску бошчилигидаги делегация билан учрашув бўлиб ўтди.

Унда 2019 йилда Европа иттифоқига Руминия раислик қилишини инobatга олган ҳолда, "Ўзбекистон — Европа иттифоқи" форматидаги ўзаро ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди.

Ў.А.

Эксклюзив интервью

Насер БУШЕРИТ: «Жазоир ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар доимо ўзаро ҳурмат ва аўстликка асосланиб келган»



Ўзбекистон бугун дунёнинг барча давлати билан дўстона ва яқин ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсат юритмоқда. Бундай дипломатия мамлакатимизнинг халқаро майдонда

обру-эътибори янада ошиши ва икки томонлама муносабатлар ривожига муҳим ўрин тутаяпти.

Жазоир Халқ Демократик Республикаси ҳам Ўзбекистон билан алоқаларни изчил фаоллаштиряпти. 1 ноябрь — Жазоир миллий байрами муносабати билан ушбу давлатнинг мамлакатимиздаги Фавкуллода ва мухтор элчиси Насер Бушеритдан интервью олдик. Газетамизнинг ушбу сонида ана шу сўхбатни ўқинингиз мумкин.



ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ ВА МАҲСУЛОТЛАР БИР ЖОЙДА ЖАМЛАНГАН

Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" мажмуасида "Энергетика. Қайта тикланувчи энергия манбалари. Энергия самарадорлик ва энергияни тежаш, электротехника, ёритиш ускуналари — UzEnergyExpo — 2018" ҳамда "Қурилиш ва ишлов бериш материаллари, иситиш ва вентиляция тизимлари, сув таъминоти, сувни тозалаш, сантехника ускуналари — UzStroyExpo — 2018" халқаро кўргазмалари ўз ишини бошлади.



Халқаро кўргазма

Мамлакатимизда бошқа соҳалар қатори энергетика ва қурилиш жабҳасида ҳам ихобий ўзгаришлар кўзга ташланыпти. Бу жараёни жадаллаштириш, соҳага инновацион ишланмаларни татбиқ этишда эса ҳуқуқий асослар яратилаётгани айни мудоао бўлмоқ-

да. Жумладан, Президентимизнинг яқинда қабул қилинган "Электр энергетикаси тармоғини жадал ривожлантириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 2018 — 2020 йиллар давомида бажарилиши лозим бўлган

Халқаро кўргазмаларда маҳаллий ишлаб қиларувчилар қаторида Озарбайжон, Беларусь Республикаси, Греция, Дания, Қозоғистон, Хитой, Россия, Туркия, Қирғизистон сингари 14 давлатнинг

170

дан ортиқ компаниялари вакиллари қатнашмоқда.

қўллаб вазифалар белгилаб берилди. Шу вақт мобайнида қиймати 2,6 миллиард АҚШ долларилик 7 та инвестициявий лойиҳа рўёбга чиқарилиши мўлжалланаётгани фикримиз тасдиғидир.



Ҳасан ПАЙДОЕВ ва Динара ЧИРКОВА олган суратлар.

Манфред ГРУНД:

«ЎЗБЕКИСТОН «ХАЛҚАРО ПАРЛАМЕНТ СТИПЕНДИЯСИ» ДАСТУРИГА КИРИТИЛДИ»

Хар йили Бундестагга амалиёт ўташ мақсадида 120 га яқин номзодларга малака ошириш имкони берилди. - Октябрь ойида Бундестаг Ўзбекистонни ушбу дастур иштирокчилари рўйхатида киритиш юзасидан қарор қабул қилди. Бу ишонамизки, соҳа вакилларининг халқаро тажрибаларни ўрганиши ҳамда икки томонлама парламентларо ҳамкорликни йўлга қўйишимизда муҳим аҳамият касб этади. Делегациямиз ташрифи чоғида Ўзбекистонда индустриал-инновацион дастурларни амалга оширишда Германиянинг иштироки, Марказий

Мунисхон КАРИМОВА ёзиб олди.

Ўзбекистон — Руминия:

ТАШРИФЛАР МУНТАЗАМ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ

Айни чоғда икки томонлама муносабатлар, шу жумладан, парламентларо алоқаларни янада ривожлантириш хусусида сўз борди. Таъкидландики, Ўзбекистон ва Руминияни сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий соҳаларда ўзаро ҳамкорликка асосланган ришталар боғлаб туради. Хусусан, давлатлараро, ҳукуматлараро ва идоралараро имзоланган 14 та ҳужжат икки томонлама алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий негизини ташкил қилади. Меҳмоннинг эътирофи этишича, Руминия Ўзбекистонда сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда муваффақиятли олиб борилаётган ислохотлар-

М. АЗИЗОВА.

ТЕРРОРИЗМГА ҚАРШИ КУРАШ — ЧЕГАРА БИЛМАС ҲАМКОРЛИК

Минтақавий аксилтеррор тузилмаси ўз фаолияти давомида дунёда хавфсизликни мустаҳкамлаш, тинчликни сақлашга қаратилган самарали натижаларга эришиб келмоқда. Тузилма терроризм, диний экстремизм, сепаратизм, қурол-ярғоқ ва наркотикларнинг ноқонуний савдоси, трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашиш борасида салмоқли ишларни амалга оширмоқда. Ташкилот 2017 йилги фаолияти давомида қатор террористик ақтларнинг олдини олишга муваффақ бўлди, 50 дан ортиқ террористик гуруҳлар фаолиятига чек қўйилди. Шунингдек, халқаро қудируда бўлган 150 террорчи қўлга олинди. Интернет тармоғидан ғаразли мақсадларда фойдаланишни аниқлаш ҳамда унга чек қўйиш бўйича ҳам тузилма самарали иш олиб бормоқда. Жумладан, ўтган йили кўпуровчилик ва бузғунчилик гоълари акс этган 500 миңдан зиёд материалларни ўзидан жамланган 80 миң, террористик ва таққиланган диний ташкилотларнинг 360 сайти фаолиятига тўсиб қўйилди. Ушбу интернет манбаларини юриятдан 122 кишига нисбатан жиноий иш қўзғатилди. Бугунги кунда тузилма фаолиятида интеграция жараёни жадаллик билан кечмоқда. Хусусан, ШХТ аъзолигида кирган Хиндистон ва Покистон давлат-

лари аксилтеррор тузилмаси ишида фаол иштирок эта бошлади. Бу, ўз навбатида, ШХТнинг хавфсизлик ва барқарорликка эришиш бўйича имкониятларини янада оширмоқда. Конференциянинг хавфсизликка раҳна солиши мумкин бўлган янги хавф-хатарларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш масалаларига бағишланган шубҳа мажлисида терроризмга қарши курашишда халқаро ҳамкорлик, замонавий тахдидларнинг олдини олишнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш каби масалалар юзасидан фикр алмашилди. Экстремизм, кўпуровчилик ва террористик фаолиятга чек қўйиш халқаро ҳуқуқ меъёрларига амал қилишни талаб этади. Навбатдаги шубҳа мажлисида айни шу масалаларга бағишланди. Унда терроризм ва мавжуд бошқа тахдидларга қарши курашишда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, жумладан, халқаро инсонпарварлик тамойилларига оғишмай амал қилиш зарурлиги кайд этилди. Конференция 1 ноябрь кунини ўз ишини давом эттиради. Тадбирда иштирокчилар ШХТ маконидан тинчлик ва барқарорликка эришиш, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлади.

У. ШОНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири.

Тадбир

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридagi Фўқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгашининг Фўқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Жамоатчилик фикри изчил ўрганиб борилади

Унда Кенгаш ҳамда комиссия фаолиятини самарали ташкил қилиш, бунинг учун тегишли дастурларни ишлаб чиқиш, давлат ва жамоат ташкилотлари билан изчил ҳамкорликни йўлга қўйиш масалалари атрафлида муҳокама этилди.

Жамият ва давлат ҳаётининг барча соҳасида демократик ўзгаришларни амалга оширишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фўқаролик жамияти бошқа институтларнинг роли бежиз экани айтиб ўтилди. Шу боис ўртимизда фаолият кўрсатган 9 миңдан ортиқ ушбу муассасаларнинг ижтимоий фаолигини кўчаитиришга қаратилган кенг қўламли ишлар амалга оширилаётган.

Президентимизнинг жорий йил 4 майдаги «Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида фўқаролик жамияти институтларининг ролини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борадаги ишларга янгича суръат бағишлади.

— Ҳужжат асосида ташкил этилган Фўқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича маслаҳат кенгаши давлат ва фўқаролик жамияти институтларининг мамлакатни янада жадал ривожлантиришга қаратилган сайёҳ-харакатларини бирлаштиришда муҳим аҳамиятга эга, — дейди Фўқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти сектор раҳбари, Маслаҳат кенгаши масъул котибни Тимур Акминов. — Шу боис йиғилишда Кенгаш олдига турган муҳим вазифалар билан бирга, фўқаролик жамиятини ривожлантириш борасидаги давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари ҳақидаги жамоатчилик фикрини мунтазам ўрганиб бориш, умумлаштириш ва таҳлил қилиш масалаларини ҳам кўриб чиқдик.

Тадбир якунида Фўқаролик жамиятини ривожлантириш соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотларни ташкил этиш комиссияси қришда фаолият юриятидан ишчи гуруҳларнинг таркиби ва иш режалари тасдиқланиб, истиқболдаги вазифалар белгилаб олинди.

Ш. РАҲИМОВ.

ПУХТА ҲИСОБ-КИТОБ — ФАРОВОН ҲАЁТИМИЗНИНГ МУҲИМ АСОСИ

Йил ўз поёнига етиб бораётган айни сарҳисоб палласига яқин турибмиз. Шу кунларда уни ёруғ юз билан яқунлаб, пухта ўйланган сиёсат асосида нафақат келгуси икки-уч йил, балки яқин беш-ўн йиллик истиқболни кўзлаб, муҳим молиявий дастур тайёрланмоқда.

Депутат фикри

Кунин кеча мамлакатимиз Президентини томонидан ўтказилган йиғилишининг руҳи ҳам, кайфияти ҳам халқ ва давлат манфаатлари йўлида тайёрланаётган келгуси йил Бюджетномасида мустаҳкамлаб қўйилаётган асосий кўрсаткичлар, бюджет-солиқ сиёсатининг муҳим йўналишлари муҳокамасига бағишланди.

Дарҳақиқат, келгуси йилда бюджет даромадларининг сезиларли даражада ошиши, аҳоли ва бизнесга катта энгилликлар яратилган янги солиқ тизими асосидаги тарихий ўзгаришлар арафасида. Бунинг учун сўнги икки йил давомида пухта тайёрларилди. Узоқ муҳокамадан келиб чиқиб, юрт ва халқнинг ёруғ калаҳини таъминлашга қаратилган оқилона сиёсат тўғрисида мустаҳкам пойдевор яратилди. Валюта ва нарх-сиёсати эркинлашувни, «кишлоқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларнинг тартибга солиниши ва капитал қўйилмалар ортиси бўлиб қолган даромадлари қўлайлигида иқтисодий таъсир кўрсатди.

Жорий йилнинг ўтган даври юзасидан бўлган ҳисоб-китобларга қўра, аниқланган давлат бюджети даромади ва харajatлари ўртасидаги тафовутни йил якунига қадар барча резервни ишга солиб бартараф этиш лозимлиги, энг муҳими, бюджет сиёсатини юритишда илк мартабада 2017 йилда қўланилган молиялаштириш механизмлари натижасида барча маҳаллий бюджетлар иқтисодиётга ўтган йилдаги нисбатан 6 баробар кўпроқ — 5,5 триллион сўм маблағ тўпланиши кайд этилди. Бундан ташқари, ўтган қисқа давр мобайнида жойларда халқ билан бўлган очик мулоқотларда фўқароларнинг кўп йиллик истаклари, тақдир ва талаблари рўёбга чиқмоқда.

Бюджет соҳаси ҳодимлари иш ҳақлари, пенсия ва нафақаларини инфляцияга кўрсатишдан юқори ошириш билан бирга, тарбиячилар, ўқитувчилар, илмий ҳодимлар, профессор-ўқитувчилар, маданият ҳодимлари иш ҳақи 30 фоиздан 100 фоизгача ошилди.

Шу ўринда яна бир жиҳатга тўхталиб ўтсак, жорий йил иккинчи чорегнда халқ ҳўжалиги корхоналар салкам ярмининг иш ҳақи миқдори оширилган бўлса, учинчи чорекда 62 фоиз корхоналар иш ҳақини ошири-

ган. Тармоқлар кесимида эса, ишлаб чиқарувчи корхоналар катта миқдорда иш ҳақини оширганлар сирасига тўғри келади (74-100 фоизгача).

Бугун Давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилмоқда. 1991 йилдаги таққослаганда, аҳоли реал даромадлари 14 баробардан зиёд қўлайди, иш ҳақи, пенсия ва ижтимоий нафақалар салмоқли даражада ошди. Истеъмол товарлари ишлаб чиқариши жадал суръатлар билан ошириш ва аҳолининг уларга бўлган талабини қондириш таъминланмоқда.

Йиғилишда келгуси йили бюджет даромадлари изчил ўсиши, солиқ тизимида жорий этилаётган тарихий ўзгаришлар натижасида аҳоли ва бизнесга катта энгилликлар яратилиши назарда тутилаётганига эътибор қаратилди. Чўноқчи, тушумдан олинадиган мажбурий ажратмалар тўлиқ бекор қилиниши ҳисобидан корхоналарда яна 5,2 триллион сўм даромад қондирилиши, жисмоний шахслар учун даромад солигининг энг юқори ставкаси 12 фоизгача, ягона ижтимоий тўловни 15 фоизгача туширилиши, фўқароларнинг 8 фоизлик суръта бадали бекор қилиниши натижасида аҳоли даромадлари 6,5 фоиз ошади.

Юридик шахслар мол-мулк солиғи 5 фоиздан 2 фоизгача, фойда солиғи 14 дан 12 фоизгача, кичик бизнес субъектлари ягона солиғи 5 фоиздан 4 фоизгача қаматирилиши натижасида тадбиркорлар иқтисодиётида 2 триллион сўм қўшимча маблағ қолди. Умуман олганда, мавжуд 19 та солиқ ва мажбурий тўловлар турли 15 тагача қаматирилди.

Албатта, бундай энгилликлар бюджет тушулмаларини таъминлашда жиддий қўшимча чоралар қўрилиши, бюджет тақчиллигига йўл қўймаслик, даромадларни қўлайтириш, шу жумладан, ишчилар сони ва иш ҳақини легаллаштириш бўйича тизимли ишларни йўлга қўйишни талаб этади.

Юқоридаги мақсадларга эришиш учун, авваламбор, ўзимизнинг кўч ва имкониятимизга таянган ҳолда, юртимизнинг келгуси ривож, халқимиз фаровонлиги, унинг турмуш даражаси ва сифатлини юксалтиришда муҳим макроиктисодий барқарорликни янада мустаҳкамлаш, кейинги йилларда эришилган иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолиш зарур. Миллий валютанимиз барқарорлигини,

банк тизимини мустаҳкамлаш, мамлакатимизда ва маҳаллий даражада бюджет барқарорлигини таъминлаш бўйича 2019 йилнинг Бюджетномаси концепциясида назарда тутилаётган қўшимча комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш тўғрисида.

Ташқи бозорларда рақобат ва бекарорлик кўчаитиб бораётган бир шартда иқтисодий реал тармоқлари барборида, юртимиз ҳудудларида ҳам рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни қўлайтириш ва экспорт салоҳиятини юксалтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Ана шу мақсадда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари, шунингдек, фермер ҳўжалиқларининг экспортга иштирақ этилиши янада рағбатлантириш бўйича тақдир қилинаётган қўшимча комплекс чора-тадбирлар ўз самарасини беришига ишончимиз қомил. Бу иқтисодий ўсиш, тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантириш, аҳолининг меҳнат билан бандлигини таъминлаш, моддий фаровонлигини оширишнинг асосий лоқомотиви бўлиб ҳисобланади.

Айни пайтда октябрь ойининг сўнги икки ҳафтаси давомида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ишлар қўмитаси, қўйи палатада ўз ўрнига эга бўлган барча сиёсий партиялар фракциялари ҳамда «Экологик ҳаракат депутатлар гуруҳи» тақдирлар асосида мамлакатимизнинг асосий молиявий ҳўжжати — Бюджетнома лойиҳасининг дастлабки тарзда чўқур ўрганилиши ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тегишли хулоса ва тавсиялар тақдим қилинди.

Иқтисодий ва ижтимоий ислохотларнинг устувор вазифаларини муваффақиятли адо этишда, биринчи навбатда, биз — Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари масъулиятимизни чўқур англаган ҳолда, бугунги глобал иқтисодий мураккаб даврда келгуси йил учун тақдир этилаётган бош молиявий ҳўжжатнинг мазмун-моҳиятини сайловчиларимиз ва фўқароларимизга, керак бўлса, ҳўжжага тўқунтириб боришимиз лозим. Уни атрофлича муҳокама этиб, қабул қилишимиз ва келгуси йил давомида унинг ҳар бир вазифаси ижросини парламент назорати доирасида мунтазам назорат қилиб, мониторингини юритишимиз зарур. Ана шунда Давлат бюджетни мақсадли сарфлашни, аҳоли фаровонлигини оширишга эришилади.

Аҳдам ШАДМАНОВ, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси раиси.

ЭНГ ЗАМОНАВИЙ ХИЗМАТ ВА МАҲСУЛОТЛАР БИР ЖОЙДА ЖАМЛАНГАН

Бундан ташқари, бугун шаҳару қишлоқларимизни обод қилиш, инфратузилмасини замонавийлаштириш ислохотларининг энг устувор йўналишидан бири ҳисобланади.

Бинобарин, айни пайтда жойларда «Обод қишлоқ», «Обод маҳалла» дастурлари доирасида аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш бўйича бунёдкорлик ишлари қўламли тўбора кенгаймоқда. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, ҳар икки жаҳонга янгиликларни жорий қилиш, ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни таққос қилади. Шу маънода, мажzur халқаро тадбирлар юртимизда кечаётган айни жараён учун ниҳоятда фойдалидир. Унда энергетика ва қурилиш соҳасининг энг илғор ускуналари намойиш этилиб, соҳа ривожига хизмат қилувчи инновацион ёндашувлар муҳокама қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиқлари, «Ўзбекэнерго», «Ўзбекгаз» ҳамда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик жамиятлари томонидан ташкил қилинган ушбу халқаро кўрсаткич анъанавийлик касб этган. Шу боис кун учундир бу форум яхши таниш бўлса, бошқаси илк мартабада қатнашяпти. Барчанинг мақсади битта, у ҳам келгуси, ўз маҳсулот ва хизматларини кенгроқ танитиш, янги ҳамкорлар топишдир.

Улардан бири — Қозғистондаги «Сайман» корпорациясининг бизнесни ривожлантириш бўйича директо-

ри ўринбосари Мади Ағибеовнинг фикрлари билан қизиқдик.

— Корпорациясининг электр энергияси ва газ ҳисоблагичлари, турли кучланишли трансформаторлар ишлаб чиқариш ҳамда уларни ўрнатиш бўйича Қозғистондаги етакчи субъектлар сирасига қиради, — дейди сўхбатдошимиз. — Ташкил қилинган 25 йил тўлди. Шу вақт ичида 360 дан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ўзлаштириб, уларни МДХ давлатларига ҳам сотяимиз. Ўзбекистон бозорига эса энди кириш ҳаракатимизда. Халқаро кўрсаткичга келишимиздан мақсадимиз ҳам шундан иборат.

Биламиз, айни пайтда юртингизда кенг қўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилаётган. Тошкент, Самарқанд ва бошқа бир қатор шаҳарларда кичик, «ақли шаҳар» лар барпо этиляпти. Бунда бизнинг маҳсулот ва хизматларимиз ҳам асқатишига ишонамиз.

Халқаро кўрсаткичлар давомида турли тақдиротлар маросимлари, семинар ва учрашувлар уюштирилиши режалаштирилганки, булар унинг янада самарали кечишини далолат беради.

Жорий йилги кўрсаткичга янги маҳсулотлар — сув совитиш машиналари ҳамда саннат кондиционерларининг тақомиллаштирилган турларини олиб келдик. Улар автоматик бошқарувага эга. «Яшил технология» талабларига тўла жавоб беради.

Халқаро кўрсаткичлар 2 ноябрда қадар давом этади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Жалқ сўзи» мухбири.

ЭРКИН САВДОГА ТЎСИҚ БЎЛАЁТГАН ЧЕКЛОВЛАР ОЛИБ ТАШЛАНАДИ

Эркин иқтисодиётни эркин савдо ва эркин бозорси тасаввур этиш қийин. Президентимизнинг «Товар бозорларида савдони янада эркинлаштириш ва рақобатни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони савдо механизмларини тақомиллаштириш, товар бозорларида соғлом рақобат муҳитини ривожлантиришга қаратилган.



Уни қабул қилиш сабаблари ҳўжжатда аниқ белгилаб қўйилган, яъни товар бозорларининг бугунги ҳолати, улгуржи ва биржа савдосининг ривожланиш даражаси замонавий талабларга жавоб бермайди. Масалан, улгуржи савдонинг ривожига паст. Чўнки бундай савдонини амалга оширишни лицензиялашда ҳам, бу каби фаолият тури билан шуғулланадиган савдо корхоналарини солиққа тортишда ҳам маҳсус тартибга амал қилиб келинган. Қўшимча вақт ҳамда харажатни талаб қилувчи мажzur тамойил кейинчалик қайта ишланадиган яримтайёр ва саннат маҳсулотларини етказиб бериш даражасида ҳам таъсир кўрсатган.

— Улгуржи савдо корхоналарининг фаолияти тартибга солиб турилиши корхоналар ўз вазифасини тўлиқ бажармаслигига олиб келаётган эди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий таъминоти бўлими бошлиғи Одилжон Ўсаров. — Ҳозир навбатда, лицензия бериш тизими улгуржи кор-


налар фаолияти устидан давлат назоратини қўчайтиришга хизмат қиларди. Эндиликда Фармонга биноан, эркин савдога тўсиқ бўлаётган чекловлар олиб ташланадиган бўлди. Бу ҳар тарафлама фойдали ҳисобланади.

Хусусан, 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб, улгуржи савдонини амалга оширишни лицензиялаш ва улгуржи савдо корхоналарини солиққа тортишнинг маҳсус тартиби, акция солиғи солиналган товарларнинг айрим турлари (масалан, автомобиль, ўсимлик ёғи, алко-

голь ва бошқалар) ишлаб чиқарилишини ҳисобга олиш ва сотилишини маҳсус тартиби, кўчма савдо учун рухсатнома ҳўжжати олиш талаби, давлат улғуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар контрагентлари билан ўзаро муносабатларда кечкирилган дебиторлик қарз учун санкциялар қўллаш, давлат улғуши 50 фоиздан кам бўлган корхоналар учун ички бозорда олинган 15 фоиз тўловни амалга оширишга доир талаблар бекор қилинади.

Бундан ташқари, ҳўжжат иловасида келтирилган рўйхатга асосан, айрим турдаги товарлар — ўсимлик мойи, шакар, рудалар ва вольфрам концентратлари каби ва бошқа жами 9 турдаги маҳсулотлар экспортга бўлган амалдаги чеклов

2018 йилнинг 1 ноябрдан бошлаб:



ЭКИҲнинг 20 бараваридан ортиқ миқдордаги нақд пул тушуми инкассация хизматлари орқали ёки мустақил топширилади.

Юридик ва жисмоний шахслар:

5000 АҚШ долларигача бўлган тўловларни харидор билан ёзма шартнома тузмасдан, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритмасдан, божхона декларациясини расмийлаштиришдан амалга оширади.

интернет орқали 5000 АҚШ долларигача бўлган тўловларни харидор билан ёзма шартнома тузмасдан, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритмасдан ҳамда юқининг божхона декларациясини расмийлаштиришдан амалга оширишлари мумкин. Жисмоний шахсларга эса қиймати раваридан ортиқ миқдорда кўнлик ўртача нақд пул тушуми бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар нақд пулни инкассация хизматлари орқали ёки мустақил топширишлари, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан кам нақд пул тушуми бўлган субъектлар эса инкассация хизматлари орқали ўзлари белгилаган даврда ёки мустақил равишда топшириш имконига эга бўладилар.

Яна бир янгилик. Эндиликда юридик ва жисмоний шахслар интернет тизими орқали 5 миң АҚШ долларигача бўлган тўловларни халқаро тўлов тизими орқали, харидор билан ёзма шартнома тузмасдан, Ташқи савдо операцияларининг ягона электрон ахборот тизимига киритмасдан ҳамда юқининг божхона декларациясини расмийлаштиришдан амалга оширишлари мумкин. Жисмоний шахсларга эса қиймати раваридан ортиқ миқдорда кўнлик ўртача нақд пул тушуми бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар нақд пулни инкассация хизматлари орқали ёки мустақил топширишлари, энг кам ойлик иш ҳақининг 20 бараваридан кам нақд пул тушуми бўлган субъектлар эса инкассация хизматлари орқали ўзлари белгилаган даврда ёки мустақил равишда топшириш имконига эга бўладилар.

Бош прокуратура ҳузуридagi Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази материаллар асосида Раҳим ШЕРКУЛОВ тайёрлади.

Насер БУШЕРИТ: «Жазоир ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар доимо ўзаро ҳурмат ва дўстликка асосланиб келган»

— Элчи жаноблари, Ўзбекистон билан Жазоир ўртасидаги икки томонлама муносабатларнинг ҳозирги ҳолатини қандай баҳолайсиз?

— Мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар доимо ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамкорликка асосланиб келган. Бугунги ривожланиш ва муносабатлар хусусида сўз борганда, Жазоир Ўзбекистон мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олганини ва Тошкентда ўз элчихонасини очганини кайд эттиш даркор. Бу Жазоирнинг мамлакатингиз билан барча, хусусан, сиёсий, иқтисодий, маданий-гуманитар соҳаларда ҳамкорликни кучайтиришга тайёр эканидан далолатдир.

Бундан ташқари, мамлакатларимизнинг ташқи сиёсатини шакллантиришда ўзаро ишонч тамойилларига содиқ экани узоқ муддатда, мустахкам ва самарали муносабатларни қарор топтиришга қизиктирилган. Айни кунда давлатларимиз ўртасидаги алоқалардаги иштироки доирасида бир-бирини фаол қўллаб-қувватлаб келяпти.

Яқинда Ўзбекистон ва Жазоир давлатлари раҳбарлари ўзаро мактуб алмашишди. Унда Президентлар икки томонлама алоқаларни янада ривожлантириш истагини билдирди. 2019 йил ўзаро ҳамкорликда янги саҳифалар очадиган муҳим ташрифларга бой бўлиши кўтилмоқда.

Шу маънода, бугун ўзбекистонлик ҳамкасблар билан мамлакатларимиз етакчиларининг эзгу интилишларини тўлиқ амалга ошириш, ўзаро муносабатларни халқларимиз манфаатларига мос равишда юқори даражада қарор топтиришга қаратилган тақдир ва лойиҳаларни ишлаб чиқишга тайёримиз.

— Мамлакатларимизнинг иқтисодий шериклиги истиқболлари ҳақида нима, дея оласиз? — Ўзбекистонда 2015 йилдан бери фаолият юритяпман. Айтиш мумкинки, кейинги икки йилда юртингизда муҳим ижобий ўзгаришлар, хусусан, иқтисодий секторда қатор янгиланишлар бўлди. Бу Шавкат Мирзиёевнинг Президентлик фаолияти билан бевосита боғлиқ. Валюта сиёсатининг эркинлаштирилиши, мамлакат ташқи иқтисодий сиёсатида очиклик тамойилларининг устувор аҳамият касб этиши ва чет эл инвестициясини жалб қилиши

қаратилган ислохотлар шулар жумласидандир. Бундай янгиланишларни хайрихоҳлик нуқтаи назаридан кузатиб борамиз ва Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликни кўп қиррали асосда ривожлантиришдан манфаатдоримиз. Мамлакатларимиз иқтисодиёти рақобатлашмайди, аксинча бир-бирини тўлдиради. Шундай экан, илғор тажриба ва юксак инсон капиталига эга Жазоир тажрибаси ва «ноу-хау»лари билан бўлиши истагидаимиз.

Жазоирнинг «Сонатрак» нефть-газ миллий компанияси доимий равишда дундаги етакчи корхоналар рейтингини ўнталигида қайд этилади. «Сонатрак»нинг савдо айланмаси 2017 йилда 35 миллиард АҚШ доллариға етди. Жаҳон бозорига чиқиш борасидаги янгиланган сиёсати тўғрисидаги компания қатор хорижий давлатларда ўз фаолиятини муваффақиятли амалга ошириб келмоқда. Қайд этиш даркор, бундай ҳамкорликни «Ўзбекнефтегаз» акциядорлик жамияти билан «Сонатрак» нефть-газ компанияси ўртасида йўлга қўйиш имкони мавжуд. Шунингдек, мамлакатимизда қишлоқ ҳўжалиги, электроника, маиший техника ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам халқаро даражадаги фаол тадбиркорлик йўлга қўйилган.

Ўз навбатида, Жазоир Ўзбекистоннинг тўқимачилик соҳасидаги тажрибасидан фойдаланиши мумкин. Юртимизда миллий иқтисодиётни диверсификация қилиш бўйича олиб борилаётган сиёсат мамлакатимиз ишбилармонларини янги сармоявий имкониятлар излашга ундамоқда. Шу нуқтаи назардан, юртингиздаги туризм, касаначилик ва хунармандчилик каби жадал ривожланаётган фаолият турлари жазоирлик бизнес доира вакиллари учун истиқболли шериклик тармоқларига айланиши мумкин.

Икки мамлакат ўз минтақасида муҳим географик жойлашувга эга. Жазоир Жанубий Европада яқин жойда жойлашган ва Африка бозорига кириш учун ўзига хос эшикдир. Мамлакатда йўллар, портлар ва аэропортлар инфратузилмасига улкан инвестициялар жалб қилинган. Бу, ўз навбатида, юз миллионлаб истеъмолчиларга эга минтақада асосий логистика базасини ташкил қилишга замин яратган. Худди шундай Ўзбекистон ҳам шиддат билан ривожланиб бораётган Марказий Осиё минтақаси марказида жойлашганини кайд эттиш керак. Ушбу ҳудудда ташаббус-

кори Хитой бўлган «Бир макон, бир йўл» лойиҳаси амалга оширилаётгани ва Ўзбекистоннинг ундаги фаол иштироки жазоирлик ишбилармонларни мамлакатингизга кенг жалб қилишга шариоит тўғдиради. Бу жиҳатлар икки мамлакат компаниялари учун халқаро миқёсда ривожланиш ва жаҳон иқтисодиётига самарали интеграциялашувни таъминлашга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Жазоирда ташкил қилинадиган ярмарка, кўргазмаларда мамлакатларимиз вакилларининг мунтазам иштирокини таъминлаш керак. Шу маънода, 2019 йилнинг июнь ойида юртимизда ўтадиган 52-Жазоир халқаро ярмаркасига Ўзбекистон вакилларини таклиф қиламиз. Бу миллий брендингизни Африканинг ўнлаб мамлакатлари, қолаверса, АҚШ, Европа ва Осиё давлатларига кенг тарғиб қилиш имконини беради.

— Мамлакатларимизнинг маданий соҳадаги ҳамкорлиги хусусида ҳам тўхталингиз.

— Ушбу соҳа Ўзбекистон билан Жазоир ўртасида ўзаро алмашинувлар ва мулоқотлар мунтазам равишда амалда бўлиши мумкин. Ўзбек санъати усталари Жазоирда маданий тадбирларда доимий иштирок этганидек, юртимиз маданият соҳаси намояндлари ҳам мамлакатингиздаги нуфузли мусиқа фестивалларида мунтазам катнашиб келмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 6 — 10 сентябрь кунлари Шахрисабз шаҳрида ўтказилган Халқаро маком санъати анжуманида мамлакатимизнинг Андалусия мусиқа гуруҳи анъанавий мусиқий чиқишлари билан иштирок этди.

Давлатларимиз ўртасидаги маданий алоқаларни янада кенгайтириш мақсадида элчихонамиз Ўзбекистон Республикаси Вазиран Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон — Жазоир дўстлик жамиятини тузиш ташаббуси билан чиқдик ва бу лойиҳа илқ кўтиб олинди.

Ишончим комилки, Ўзбекистон ва Жазоир ўртасидаги дўстона алоқалар янада ривожланиб, ҳар бир соҳада мустахкам ҳамкор даражасига кўтарилари.

— Самийи суҳбатингиз учун ташаккур.

Ш. УЛУГОВ суҳбатлашди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди

«Соғлом турмуш тарзини юксалтиришда фуқаролик жамияти институтлари фаолигини ошириш, унинг натижаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритишни қўллаб-қувватлаш» мавзуида давлат гранти қўшимча танловини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг кўйидаги ижтимоий мақсадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳалари қабул қилинади:

- 1. Аҳолининг кенг қатламлари (нуронийлар, ёшлар, аёллар ва бошқалар) жисмоний тарбия ва спортга жалб қилиш.
2. Маҳаллаларда жисмоний тарбия ва спортнинг ривожланишига шарт-шароит яратиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга кўмаклашиш.
3. Ёшларнинг уюшмаган қатламларини турли спорт тўғрисидаги турли мусобақаларига жалб қилиш, бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш.
4. Тоғли, узоқ ва чегара ҳудудларида аҳолининг жисмоний тарбия билан шуғулланишига кенг шарт-шароит яратиш.
5. Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари, маҳалла ҳамда оиланинг ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш.
6. Давлат органлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда турли спорт тўғрисидаги фаолиятини йўлга қўйиш, эҳтиёжманд оилалар вакилларининг мунтазам жисмоний тарбия билан шуғулланиши таъминлаш.

- 7. Соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган кўргазмали материалларни ишлаб чиқишда ижтимоий шерикликни кучайтириш.
8. Маҳаллаларда турли йўналишларда спорт ва халқ ўйинлари мусобақаларини ташкил этиш.
9. Имконият чекланган ёшларнинг спорт билан шуғулланишида турли спорт соҳасидаги нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолигини қўллаб-қувватлаш.
10. Соғлом турмуш тарзини қарор топтиришда оммавий ахборот воситаларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш.
11. Маҳаллаларда халқаро мусобақаларга қўлиблари, республика чемпионолари ва спорт усталари иштирокида турли маънавий тадбирлар ташкил қилиш.

Давлат гранти танловида иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1. Ҳужжатлар «Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди» номига: 100163, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 43-ўй манзилига «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.
2. Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар: 71-239-26-76, 71-239-26-86.

- 1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жойлаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳномадан муҳр билан тасдиқланган нусхаси.
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.
Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори 30 миллион сўмгача.
Ҳужжатлар 2018 йил 26 октябрдан 28 ноябргача қабул қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Жамоат фонди

«Фуқароларнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашда жамоатчилик назоратини юксалтириш» мавзуида давлат гранти қўшимча танловини

ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танловга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтларнинг кўйидаги ижтимоий мақсадларни амалга оширишни назарда тутган лойиҳалари қабул қилинади:

- 1. Фуқароларнинг қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини ва қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини, уларга риоя этилишини кенг тарғиб қилиш.
2. Мажбурий меҳнатнинг олдини олиш бўйича давлат органлари, шу жумладан, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ижтимоий шерикликни кучайтириш.
3. Меҳнат қончилиги талабларининг бажарилиши, мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик юзасидан аҳоли билан очиқ мулоқот механизмлари жорий этиш.
4. Уюшмаган, ишиз фуқаролар бандлигини таъминлашга, уларни тадбиркорлик ва оилавий бизнеснинг турли шаклларида кенг жалб қилишга кўмаклашиш.
5. Давлат вакиллик органларининг фуқароларни қафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлаш масалалари

- бўйича ҳудудий комиссиялари билан ҳамкорликда жамоатчилик назоратини амалга ошириш.
6. Болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат масалалари бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш билан ҳамкорликда эришилган ижобий натижалар барқарорлигини таъминлаш чора-тадбирларига кўмаклашиш.

Давлат гранти танловида қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1. Ташкилот раҳбари томонидан имзоланган ва муҳр билан тасдиқланган қузатув хати.
2. www.fundngo.uz веб-сайтида жой-

- лаштирилган шаклда тўлдирилган давлат гранти лойиҳаси учун ариза.
3. Давлат рўйхатидан ўтказилган Устав (Низом) ҳамда гувоҳномадан муҳр билан тасдиқланган нусхаси.
4. Агар лойиҳани амалга ошириш лицензияланадиган фаолиятни талаб қилса, унда лицензиянинг нусхаси тақдим этилади.
5. Манфаатдор давлат ва йирик жамоат ташкилотлари билан тузилган ижтимоий шериклик қўшма режалари илова қилиниши мумкин.
Битта лойиҳа учун давлат гранти миқдори 30 миллион сўмгача.
Ҳужжатлар 2018 йил 26 октябрдан 28 ноябргача қабул қилинади.

- Ҳужжатлар «Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонди» номига: 100163, Тошкент шаҳри, Ислам Каримов кўчаси, 43-ўй манзилига «Ўзбекистон почтаси» орқали муҳрланган конвертда (А4 форматда) юборилиши шарт.
Ҳужжатлар намуналари билан Олий Мажлис ҳузуридаги Жамоат фонднинг www.fundngo.uz расмий веб-сайтида танишиш мумкин.
Маълумот учун телефонлар: 71-239-26-76, 71-239-26-86.

ИНФЛЯЦИЯНИ ЖИЛОВАШ МУМКИНМИ?

Кейинги пайтда инфляция, унинг иқтисодиёт, аҳоли даромади, турмуш тарзига таъсири ўзаро муҳокамаларнинг бош мавзусига айланди.

Хўш, инфляция ўзи нима? Уни жилловлашнинг имкони борми? Бундай шароитда иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли қандай ҳимояланади? Долзарб мавзу

Ўйлаймизки, ушбу саволлар жавоби ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Кўпгина иқтисодчилар инфляция иқтисодий ҳодиса сифатида азалдан мавжудлигини таъкидлаб, унинг вужудга келишини деярли пулнинг пайдо бўлиши даврига тақайди. «Инфляция» атамасининг бир қанча тушуначалари мавжуд бўлиб, бу, аввало, нархларнинг ўсишидир. У иқтисодиёт ва ижтимоий соҳаларга тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Шу боис ақсарият мутахассислар талаб ва тақлиф ўртасидаги мувозанатнинг бузилиши, иқтисодиётда вужудга келадиган бошқа мутаносибликлар таъсирида нархларнинг ўсишини инфляция билан изоҳлайдилар. Аммо амалиётдан маълумки, инфляция қузатилган даврда айрим товарлар сезиларли даражада қимматлашса, баъзилариники ўзгармасдан (барқарор) қолади.

Шулардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, инфляция нозик ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, иқтисодиётнинг турли баҳаларида содир бўлувчи номутаносиблик оқибатида вужудга келади. У бугунги кунда жаҳоннинг деярли барча мамлакатини иқтисодиётидаги энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Индекслар ҳисоблашнинг янги тизими

вар ва хизматларнинг салмоқ ваазлари таъсири ҳам инобатга олинади. Шу йўл билан статистика ходимлари истеъмол нархлари индексини аниқлаб, республиканинг барча ҳудудидидаги турли товар ва хизматлардаги нарх ўзгаришларининг ўртачасини ҳисоблайдилар. Буни оддий мисол шаклида кўриб чиқай. Масалан, мол гўшти (суякли)нинг ўртача нархи ўтган давр мобайнида 22,9 фоиз қимматлашди. Унинг истеъмол тўпламининг салмоғи 5,07 фоизни ташкил этади. Салмоқ вази ҳисобига бу ўсиш умумий инфляция даражасига (5,07*22,9=1,2) 1,2 фоиз таъсир этган. Бу гўшт нархининг ошishi умумий инфляция даражасининг 1,2 фоиз ўсишига сабаб бўлди, деганидир. Инфляция даражасига нафақат нархларнинг ошishi, балки нархларнинг тушиши ҳам таъсир кўрсатади. Товар ёки хизматлар нархлари арзонлашишида эса кўрсаткич таъсири «салбий» аҳамият касб этади. Лекин аҳоли томонидан ҳеч қандай «салбий омил» деб қаралмайди, бироқ инфляция даражасининг тушишига олиб келади. Ақсарият ҳолларда бу мева ва сабзавот гуруҳида кузатилиб, маъсумий нарх ўзгаришлари умумий истеъмол нархлари индексини пасайишига сабаб бўлади. Мисол учун, йил бошидан мева ва сабзавот маъсумий нархлари ўзгариши умумий инфляциянинг 1,4 фоиз пасайишига сабаб бўлди. Кўриниб турибдики, инфляция даражасига, яъни истеъмол нархлари

индексининг умумий кўрсаткичига барча товар ва хизматлар нархларининг ўсиши ҳам, тушиши ҳам бевосита таъсир этади.

Статистика органлари инфляцион жараёнларни имкон қадар объектив кўрсатиб бериш мақсадида ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш борасида доимий равишда изланиш олиб бордилар. Давлат статистика қўмитаси томонидан истеъмол нархлари ва истеъмол нархлари индекси ҳисоб-китобларини мониторинг қилиш учун янгиланган методология ишлаб чиқилгани бунинг ёрқин далилидир. Бу эса намуна олиш механизмини такомиллаштириш-

Ўтган давр давомида умумий истеъмол нархлари индексига таъсири шунинг кўрсатмоқдаки, озик-овқат маҳсулотларининг нархлари ўсиши умумий инфляцияга 2,6 фоиз даражасида таъсир қилган бўлса, бу вақтда ноозик-овқат маҳсулотлари ва хизматлар улуши 5,5 фоиз даражасини ташкил этган. Асосий бўлган гуруҳларда ёрма ва дуқкалик маҳсулотлар нархларининг ўртача 28 фоиз, нон маҳсулотларининг 21 фоиз, гўшт, парранда ва балик маҳсулотлари 17,1 фоиз, қурилиш моллари 18,4 фоиз, автомобиллар учун ёниги ва уй-жой коммунал хизматлари 13,8 фоиз қимматлашди.

Шу билан бирга, ўтган даврда сабзавот нархлари ўртача 23,2 фоиз, картошаниннг эса 44,2 фоиз арзонлашгани ушбу гуруҳда нархларнинг пасайишига олиб келди. Мамлакатнинг ҳар қандай аҳолиси учун инфляция деярли ҳар доим салбий омил ҳисобланади. Бироқ ҳамма нарса, биринчи қарада кўринганидек, у қадар ёмон эмас. Инфляция даражаси кескин пасайишининг ҳам ўзига хос камчиликларни бўлади. Инфляциянинг ўта пастилик унинг жуда юқори суръатларда бўлганидек мамлакат иқтисодиёти учун хавfli саналади. Бу нимада акс этади?

Агар нарх кўтаришмас, аҳолининг товарларга талаби пасайиб, камроқ сотиб оладилар. Чунки нархлар бир хил даражада қолиши оқибатида пулни сарфлашда кўра жамғариш янада фойдалидек туолади. Бундан ташқари, нархларнинг кескин пасайишида қўллаб ташкилотлар кийинчиларга дуч келадилар, вақолонки, «инфляция озиқланишга» ўрганилган ташкилотларнинг иқтисодий модели ўз самарадорлигини йўқотиб боради. Шунинг учун ҳам ўта паст суръатдаги инфляция иқтисодиётни «совитиши» мумкинлиги билан ҳавфлидир. Инфляциянинг ўта юқори суръатларда па-

Тўққиз ойлик ҳулосалар

Жорий йилнинг 9 ойида республикада инфляция даражаси 8,1 фоизни ташкил этади. 2017 йилнинг охирига нисбатан товарлар нархи ўртача 7,4 фоиз, хизматлар 10,1 фоиз қимматлашди.

сайиши, айниқса, банд фойзаларда узоқ муддатларга кредит олган ташкилотларни жиддий кийинчиларга солиб қўяди. Уларнинг маҳсулотларига бўлган талаб ва нархлар ошмаса, оқибатда кредитни қолаш масаласи кундан-кунга кийинлашиб бориши мумкин.

Бундай вазиятда нархларнинг ўсиши нафақат ички талабларни оширади, балки инвестицияларни рағбатлантиради, ишлаб чиқариш саложиятини оширади, ишсизлик даражасини пасайтиради. Шунинг учун айрим мамлакатларда иқтисодиётни рағбатлантириш учун инфляция даражасининг бир оз тезлашишига имконият яратиб берилади.

Шу билан бирга, жуда тез ва энг асосийси, олдиндан айтиб бўлмайдиган нархларнинг ўсиши, ижтимоий-иқтисодий барқарорликнинг бузилиши барчамизга маълум бўлган салбий натижаларга олиб келиши мумкин.

Нарх яна ошадими?

Юқорида айтилганидек, инфляция даражаси қўллаб омиллари, жумладан, товар ва хизматларнинг асосий турлари бўйича нархларнинг ўсишига боғлиқ. Масалани шундан бандошас, жорий йил охирига қадар асосий турдаги товар ва хизматлардан баъзилари (электр, газ учун тарифларнинг ошishi ҳақида хабардор этилди) нархи ошishi маълум қилинди. Бошқалари эса (коммунал тўловлар, шаҳар йўловчи ташкил транспорти, бензин каби) нархлари тартибга солишини тегишли органларга боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, алоҳида компанияларнинг нарх-наво сиёсати (бу, биринчи навбатда, мобил алоқа ҳамда интернет, ҳаво ва темир йўл транспорти хизматлари), шунингдек, товарлар импорт қилинадиган мамлакатларнинг нархлари ҳолати таъсир қилса, айримлари бозорда сотувчиларнинг оддий одобига ҳам боғлиқ эканлигини эътибордан қорчимаслик зарур.

Айтиш жоизки, инфляция жараёнлари миллий валюта курсининг динамикаси, ўтказилаётган пул-кредит сиёсати ҳам таъсир қилади. Шунга мувофиқ, нархларнинг юқори ўсишига ёки ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келади. Бунга аҳоли ва корхоналарнинг келгуси нарх ўсиши бўйича инфляцион таъминлари сезиларли даражада таъсир қилиши ҳам мумкин.

Хулоса ўрнида айтганда, инфляция кўп қиррали ҳодисадир. Уни прогноз қилиш жуда қийин. Лекин статистика «иқтисодиётнинг кўзгуси» сифатида мавжуд натижаларни объектив равишда акс эттириши керак. Бу эса барча учун бирдек фойдали бўлади. Хусусан, инфляция ҳисоб-китобларининг сирли пардасини бир қадар очиб беради.

Баҳоидир ҒОЙИБНАЗАРОВ, Кадрларни қайта тайёрлаш ва статистика тадқиқотлари маркази директори, и.ф.д. профессор, Мухтор УМАРОВ, Давлат статистика қўмитаси бошқарма бошлиғи.



НИМА УЧУН РОССИЯЛИК САЙЁХЛАРНИНГ АКСАРИЯТИ ЯНГИ ЙИЛНИ ЎЗБЕКИСТОНДА КУТИБ ОЛМОҚЧИ?

Хали куз охирламасданок, одамлар ўзаро суҳбатларда Янги йилни қандай кутиб олиши, нишонлаш ҳақида фикр юрита бошлашади. Доим шундай бўлган. Каттау кичик бу айёмни ҳаммаша интиқ бўлиб кутган. Эйтиборлиси, мазкур байрамни ўз уйида эмас, айнан Ўзбекистонда кутиб олишни истаётган хорижликлар сони ҳам тобора кўпайиб бормоқда.

Яқинда энг йирик "Tutu.ru" сайёхлик сервис томонидан эълон қилинган маълумотга кўра, россияликлар ўртасида айнан Ўзбекистон Янги йилни нишонлаш учун энг оммабон ва машхур мамлакат, деб топилди. Ваҳолонки, ўтган йилли дийримиз ушбу рейтингда еттинчи погонани эгаллаган бўлса, Германия, Чехия ва Молдова етакчилар қаториндан жой олганди. Бу сафар юртимиз олти ўрин юқорилаб, немислар, чехлар ва молдованлар ўлкаларини ортда қолдирди.

Бинобарин, Россияда Европада Янги йил авиачипталари сотилиши 20 фойз пасайган бўлса, Ўзбекистон йўналиши бўйича бу кўрсаткич 2017 йилдагига нисбатан

2 баробар кўпайган.

Экспертларнинг айтишича, рус туристларнинг асосий қисми дийримизга унинг меҳмондўстлиги, миллий таомларидан баҳраманд бўлиш ва Чимён тоғида чангида уншига катта қизиқиш билдирмоқда.

"Байрам саналарига сотилган чипталар бўйича энг тоғли палов мамлакати ҳатто Европанинг машхур шаҳарлари, масалан, Берлин ва Прагадан ҳам ўзиб кетди", — деб

1-сценарий: тоғли

Нима учун оливеё ёки шуба остидаги селёдкани палов ёки кулчаларга алмаштириш мумкин эмас? Боз устига, анъанавий гўшти таом — нориннинг ҳам мазасини татиб қўриш керак. Ўзбек оилалари уни Янги йилда тайёрлашни ёқтирашади. Байрам кечаси чойхонага бориш ёки хушмуомала ва самимий ўзбеклар билан файзли дастурхон устида бирга ўтиришга нима етсин?!

Бирок диетологлар маслаҳатини эслаб қолинг: метёрни сақланг ва барча хуштам таомларни бирданга тановул қилишга уринманг.



2-сценарий: тоғли

Ўзбекистонга хуштам неъматлар, кўча меҳмоннавозлик ва гўзал табиатдан баҳра олиш учун боришади. Яна Чимён тоғларида чангида ёки сноубордда учиш, маза қилиш мумкин. Шунингдек, қишки спорт турлари билан Билдирсой ва Янгибодда ҳам шуғулланиш мумкин. Чимён трассалари жуда оддий, у қишки спорт турларида хали янги бўлган одамлар ва спортчилар ўз техникаларини такомиллаштиришлари учун мос келади. Бирок Билдирсойдаги тепаликлардан тушиш ҳатто тажрибали чангичилар учун ҳам осон эмас. Тоғ чангиси трассаларида кўп йиллик стажга эга профессионал йўриқчилар фаолият олиб боради.

3-сценарий: мусикали

Нима учун Янги йилни Тошкентда ўрнатиладиган улкан арча олдига кутиб олиш мумкин эмас? Байрам кайфиятини биз учун таниш бўлган қиш совуғи ҳам буза олмайди.

Умуман олганда, байрам арафасида арча атрофида хушчақнақ мухит пайдо бўлади: Ўзбек эстрадаси юлдузлари қўшиқ кўйлайди, таникли ансамбллар рақсга тушади, болаларга эса кўчаларда эртак қаҳрамонлари ширинликлар улашади.

"Соҳа мутахассисларнинг айтишича, ҳозирги кунда Ўзбекистон учун энг муҳими, Янги йилда дам олиш йўналишидаги етакчилигини мустаҳкамлаб олиш учун сайёхларнинг ишончини оқлашдир. Бунга шубҳа қилмас ҳам бўлади, зеро, Ўзбекистон меҳмонларни қандай қабул қилишни жуда яхши билади", — дея фикрини яқунлайди россиялик журналисти.

Таникли савҳатчи блогер Наталья Черкес айтганидек, Ўзбекистондаги мухит сайёхларга миллий урф-одатлар билан максимал уйғунлашиб кетиш, мамлакат нафасини ҳис этиш ва ундан завоқ олиш имконини беради.

С. МАХСУМОВ тайёрлади.

ҚАНЧА КЎП ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛСА, ОДАМЛАР ШУНЧАЛИК РОЗИ БЎЛАДИ

"Ўзмиллиббанк" Самарқанд вилояти бўлими жамоаси фаолиятини ана шу мезон асосида олиб бормоқда.



O'ZMILLIYBANK

Таъкидлаш керакки, хусусий секторнинг жадал суръатларда равнақ топишида давлатимиз томонидан уларга барча шарт-шароит яратилиб, ташаббуслари молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мазкур жараёнда "Ўзмиллиббанк" Самарқанд вилояти бўлими жамоасининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор. Молия муассасаси иқтисодийёт корхоналари, қишлоқ хўжалиги, оилавий бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик каби етакчи тармоқларни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш билан бог-ляк лойиҳалар ижросини таъминлашда яқин кўмакчиға айланган.

Жумладан, Самарқанд вилоятини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурига асосан, 2018 йил давомида умумий қиймати 1 млрд. 663 млн. сўм бўлган 78 та лойиҳа учун 931,8 млн. сўм банк кредити ажратилиши кўзда тутилган. Жорий йилнинг биринчи ярим йиллигида айни шу мақсадларда 739,7 млн. сўмлик кредит маблағлари йўналтирилди. Ушбу лойиҳалар амалга оширилиши натижасида шаҳар ва туманларда 5 мингдан ортиқ иш ўринлари яратилаётгани қўшниқларидир.

Молиялаштирилган лойиҳаларни тармоқлар бўйича таҳлил қилсак, масалан, саноат соҳасидаги 21 лойиҳага 652,8 млн. сўм, қишлоқ хўжалиги бўйича 8 та лойиҳага 63,4 млн. сўм, хизмат кўрсатиш соҳасидаги 7 та лойиҳага 23,4 млн. сўм ажратилди. Буларнинг барчаси юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлидаги эзгу саяё-ҳаракатлардир.

Банк бўлими жамоаси, айниқса, кичик бизнес вакилларининг истиқболли лойиҳаларини молиялаштиришга устувор аҳамият қаратапти. Чунончи жорий йил биринчи чораги давомида жисмоний шахслардан 298 нафарига 3625,5 млн. сўм миқдорда имтиёзли кредит тақдим қилинди. Бу жараёнда кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам катта эътибор берилётди. Ҳозирча ана шундай оилалардан 90 таси 962,9 млн. сўм миқдордаги имтиёзли кредит олишга эришди.

Молия муассасаларида

Айни пайтда мамлакатимизнинг барча ҳудудида улкан янгилаштирилган, бунёдкорлик ишлари давом этяпти. Булар, аввало, Ватанимизда ҳўкм суратган тинчлик ва осойишталик туфайлидир. Иқтисодий тараққийтимизнинг ҳал қилувчи кучи — кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик соҳасида эришилаётган натижалар эса алоҳида эътирофга лойик. Зеро, саноатни ривожлантириш, ички бозорни сифатли маҳсулот ва хизматлар билан тўлдириш, аҳоли бандлигини таъминлашда уларнинг ўрни ниҳоятда катта.



сўм миқдордаги имтиёзли кредит олишга эришди.

Президентимиз жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, олиб борилаётган ислохотлар жараёни, йирик лойиҳалар билан танишиш ва халқ билан мулоқот қилиш мақсадида шу йил март ойида Самарқанд вилоятига ташрифи чоғида "Қанча кўп иш ўрни яратса, аҳоли биздан шунчалик кўп рози бўлади", турмуш фаровонлиги яхшиланади" дея алоҳида таъкидлаган эди. Қолаверса, "Ўзмиллиббанк" зиммасига барча манбалар ҳисобидан янги иш ўринлари яратиш бўйича топширик берилган. Шунинг асосида 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида 1 411 иш ўрни очилганини таъкидлаш ўринлидир.

Вилоят иқтисодийётнинг реал секторини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида банк томонидан 168 та хўжалик юритувчи субъектга моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, технология қайта жиҳозлаш ҳамда ишлаб чиқариш ҳамжамларини кенгайтириш мақсадлари учун 48843,2 млн. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилди.

Ҳозир ҳудудда енгил саноат соҳасини ривожлантириш мақсадида банк кредитлари ҳисобига бир қатор

Йирик лойиҳаларни амалга ошириш режалаштирилган. Чунончи, Иштихон туманида "Afrosiob Jeans textile" МЧЖ корхонасининг умумий қиймати 28,8 млн. АҚШ доллари бўлган лойиҳасига 22,1 млн. АҚШ долларилик кредит маблағи берилди. Ушбу лойиҳанинг ишга туширилиши билан 800 та иш ўрни яратилади.

Оқдарё туманида эса "Zarafshon tekstil" МЧЖ корхонасининг умумий қиймати 6,8 млн. АҚШ доллари бўлган лойиҳасига 5,2 млн. долларлик кредит маблағи йўналтирилди ва лойиҳа ишга тушириш натижасида 780 та иш ўрни пайдо бўлади.

Банк томонидан ушбу ишларнинг узвий давоми сифатида жорий йилда вилоятнинг Нарпай туманида кластер усулида пахта хом ашёсини етиштириш бўйича "Maroqand Sifat" МЧЖ корхонасига, 215 та фермер хўжалигига бўнақ тўловлари учун 37,4 млрд. сўм имтиёзли кредит аж-

ратилиши кўзда тутилган. Лойиҳани ҳаётга татиқ этиш ҳисобига 2018 йилда 19,5 миң тонна пахта хом ашёси қайта ишланиб, тайёр маҳсулот ҳолиға келтирилади. Ҳозирги кунға қадар банк томонидан 28,4 млрд. сўм миқдорда кредит маблағлари ажратилгани юқоридаги саяё-ҳаракатларнинг мантиқий давоми бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 7 августдаги қарориға асосан, "Ургут" эркин иқтисодий зонаси (ЭИЗ) ташкил этилган. "Ўзмиллиббанк" Самарқанд бўлими томонидан ўтган бир йил мобайнида "Ургут" ЭИЗ дирекцияси билан биргаликда 2017 — 2019 йиллар учун умумий қиймати 196,4 млн. АҚШ доллариға тенг, шундан, 12,2 млн. АҚШ доллари хоржий инвестиция, 116,9 млн. АҚШ доллари банк кредит маблағлари ҳисобидан 60 та лойиҳани амалға оширишни режалаштирмоқда. Бунинг натижасида 4274 та иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Мазкур лойиҳаларнинг ишга туширилиши ҳисобига йилға 624 млрд. сўмлик маҳсулотлар тайёрланиши, шундан 51 млн. АҚШ доллари миқдордаги маҳсулотлар экспортға йўналтирилиши кўзда тутилган.

"Samarqand bax tekstil" масъулияти чекланган жамияти ҳам "Ўзмиллиббанк"нинг Самарқанд бўлимидан ҳисоб рақами очган. Корхонада баҳ-мал матоси ишлаб чиқарилади. Ушбу лойиҳа қиймати 3011 миң АҚШ долларидан иборат бўлиб, шундан 695 миң АҚШ доллари жамиятнинг ўз маблағлари ҳисобидан, қолган 2316 миң АҚШ доллари "Ўзмиллиббанк" Самарқанд бўлими кредити ҳисобидан қопланади.

Даставвал асбоб-ускуналар Хитойдан олиб келинди. Шу тариқа корхона жорий йилнинг 1 мартдан фаолият бошлади. Пировардида 30 та иш ўрни яратилди. Ушбу лойиҳа бир йилда 1080 погон метр ёки 18 млрд. сўмлик баҳ-мал матоси тайёрлаш қувватиға эға. Хом ашё ички бозордан олинади. Корхонада айни пайтда маҳсулот ишлаб чиқариш бир маромада давом этмоқда. Яқин вақтлар ичида бу ердаги маҳсулотларнинг бир қисмини экспортға йўналтириш режалаштирилган.

Умуман, "Ўзмиллиббанк"нинг Самарқанд вилояти бўлими жамоаси бундан буён ҳам мазкур йўналишдаги ишларни изчил давом эттиради. Мақсад ҳудудда янги корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, мавжудларини модернизация қилиш, пировардида импорт ўрнини босувчи ва экспортбон маҳсулотлар тайёрлаш ҳажмини оширишға улкан ҳисса қўшишдир.

Банк матбуот хизмати.

Термизда «ақлли» бекатлар 8 таға етди

Тезкор маълумот тўплаш имкониятининг борлиги йўналишдаги транспорт ҳаракатини режалаштиришда қўл келади. Айни чоғда нафақат бекат, балки унинг атрофидаги жамоат тартиби юзасидан тезкор маълумот олиш имконияти ҳам яратилган.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ҳар бир бекатта қўш батареяси панели ўрнатилган бўлиб, бу уларнинг ёриткичлари ва USB электр тармоғи нуқталарини автоном электр қуввати билан таъминлаш имконини беради. Яқин келажақда вилоят марказида бундай "ақлли" бекатлар сони 40 тадан ошиши кутилмоқда.

Илҳом РАҲМАТОВ, «Халқ сўзи» мухбири.



«Халқ сўзи»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ. 9.00 дан 18.00 гача 71-232-10-63, 71-232-11-15. E-mail: reklama@mail.ru, reklama@xs.uz

Фўқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди. 2018 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини ташки аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш мақсадида танлов эълон қилади. Аудиторлик ташкилотларининг тижорат таклифлари 2018 йилнинг 20 ноябригача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100027, Тошкент шаҳри, Қоратош кўчаси, 1-уй. Маълумот учун алоқалар: 71-238-69-45, 71-238-69-46. Веб-сайт: www.fgd.uz. E-mail: info@fgd.uz, uzfgvbg@mail.ru. Белгиланган муддатдан кейин юборилган тижорат таклифлари танловда иштирок этмайди.

«Respublika milk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф етди. Аукцион савдосига «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ Ал-Хоразмий филиалига тегишли, Тошкент шаҳри, Учтёпа тумани, Чилонзор даҳаси-30, 16-«А» уйда сақланаётган, 2013 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/682 JFA бўлган, «Нексия» русумли автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. • Бошланғич баҳоси — 47 629 000 сўм. Аукцион савдоси 2018 йил 15 ноябрь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2018 йил 13 ноябрь куни соат 18.00. Юқоридаги автотранспорт воситаси 2018 йил 15 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда такрорий савдодор 2018 йил 22, 29 ноябрь, 2018 йил 6 декабрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдодор учун аризаларни қабул қилишнинг охири мuddати — 2018 йил 22 ноябрдаги савдо учун 20 ноябрь, 29 ноябрдаги савдо учун 27 ноябрь, 6 декабрдаги савдо учун 4 декабрь кунлари соат 18.00 гача. Савдо голибига 10 кун ичида сотувчи билан нотариал тартибда олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нуҳаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закат пулини «RMM» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмасор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамиға тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850. Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмасор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 71-228-79-52.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатта олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1145. 71 122 нуҳада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўроғ битими А-2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 71-233-52-55; Котибхона 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15. «Халқ сўзи» Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси. Манзилими: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи муҳаррир — З. Ашурова, Навбатчи — Д. Каримов, Муасхххх — Ш. Машраббоса. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Ҳақ учун — 23.10 Топширилди — 23.50 1 3 4 5 6